

301
Б-30

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУСТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ


кар

**БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ҲАМДА МЕҲНАТ БОЗОРИДА ЁШ МУТАХАССИС
КАДРЛАРНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Республика илмий-амалий анжумани
материаллари тўплами

2010 йил 28-29 май

П-17
П-18



ТОШКЕНТ - ИҚТИСОДИЁТ - 2010

Баркамол авлодин шакллантириш ҳамда ёш мутахассис кадрларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини ошириш йўллари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. - Т.: Иқтисодиёт, 2010. - 56 бет.

“Баркамол авлодин шакллантириш ҳамда ёш мутахассис кадрларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини ошириш йўллари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани *ОТ-ЁФ7-005* “Ёшларни кичик шаҳарлар ва қишлоқларда ишга жойлаштиришга кўмаклашиш услубиёти ҳамда уларнинг рақобатбардошлигини ошириш йўллари” номли фундаментал илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида ўтказилмоқда.

Мазкур илмий-амалий анжуман материалларида “Баркамол авлод йили” Давлат дастуридан ўрин олган интеллектуал билим ва кўникмаларга эга бўлган комил ёшларни тарбиялаш, ўз йўналиши, мутахассислиги бўйича етук кадр сифатида катта ҳаётга тайёрлаш, ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш, ҳаётга бўлган иштиёқини ошириш, уларнинг меҳнатларидан унумли ва самарали фойдаланган ҳолда мамлакат тараққиётини таъминлаш билан боғлиқ масалалар ўрин олган.

Шунингдек, тўпلامда касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини, хусусан, қишлоқ жойларидаги ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этиш ва иқтидорли ёшларни илмий ишларга фаол жалб этиш учун шароитлар яратиш билан боғлиқ ижтимоий тезис-мавулари ҳам берилган.

Илмий-амалий анжуман материалларидан олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилар ва аспирантлар, талабалар, шунингдек ёшлар масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар фойдаланишлари мумкин.

Ташкилий Қўмита раҳбари ва илмий маслаҳатчи
профессор Н.М. Махмудов

Таҳрир ҳайъати: Б.Т. Салимов, М.С. Юсупов,
Ш.И. Мустафақулов, М.Ю. Исаков

© Тошкент давлат иқтисодиёт
университети, 2010
© Иқтисодиёт, 2010

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....		5
1. Мустафакулов Ш., Рахмонов Л.	Мамлакатни модернизациялаш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган баркамол авлодни шакллантиришнинг асосий жиҳатлари.....	6
2. Абдуллаева Р.М., Эргашев Б.У.	Соғлом авлод баркамоллигини таъминловчи омиллар.....	9
3. Азимова Д.У.	Қишлоқ жойларида янги иш ўринларини ташкил этишда касаначиликни ривожлантиришнинг аҳамияти.....	11
4. Азимова З.И., Авазова Ф.Р.	Баркамол авлод - келажак орзуси.....	12
5. Акрамова Ф.А.	Баркамол авлод таълим-тарбиясининг устувор йўналишлари.....	14
6. Акрамова Г.А., Музафарова Н.А., Элмуратова С.Х.	Қишлоқларда баркамол авлодни тарбиялаш йўналишлари.....	15
7. Алимардонов У.А., Лутфуллаев Б.С.,	Қишлоқларда баркамол авлодни иқтисодий йўналишда тарбиялаш масалалари.....	17
8. Алимардонов У., Шукуров А.	Қишлоқларда ишлаб чиқаришни замонавий усулларда ташкил этиш.....	18
9. Исмаилов А.	Глобаллашув шароитида мамлакатимиз минтақалари қишлоқ аҳолиси бандлиги масалалари.....	20
10. Muradov R.A., Muradova N.A.	Qishloqda barkamol avlodni tarbiyalashda ta'limning tutgan o'rnini.....	21
11. Мухитдинова Н.	Қишлоқда баркамол авлодни тарбиялашда таълимда иқтисодий фанларни ўқитишнинг аҳамияти.....	22
12. Очилова Н.	Қишлоқ ёшлари - баркамоллик сари.....	24
13. Ширанова М.	Қишлоқда баркамол авлодни тарбиялашда таълим муассасаларида иқтисодиёт асослари фанини ўқитишнинг тарбиявий аҳамияти.....	26
14. Тиллаев Ш.А.	Баркамол авлод тарбиясида ахборот - коммуникация технологияларининг аҳамияти.....	27
15. Яминова Г.Ш.	Қишлоқда баркамол авлодни тарбиялаш йўналишлари.....	29
16. Хасанова Р., Худойбердиева Д.	Қишлоқ ёшларида тadbirkorlik хусусиятларини шакллантиришнинг аҳамияти.....	30
17. Тўраев А.	Дехқон-фермерларнинг маънавий қиёфасидаги ўзгаришлар.....	32
18. Солиев И.	Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ривожлантириш йўллари.....	34
19. Хомидов Н., Рахмонов Л.	Иқтисодий ва ноиқтисодий таълим йўналиши бўйича тайёрланган мутахассис кадрларни меҳнатда банд этишнинг муҳим жиҳатлари.....	35
20. Мустафакулов Ш., Хомидов Н., Зойиров О.	Иқтисодий таълим самарадорлигини оширишда талаба-ёшларнинг мустақил фаолиятларини ташкил этишнинг асосий йўналишлари.....	38
21. Ғафуров У.	Олий таълим тизимини модернизациялаш шароитида иқтисодиёт.....	41

22.	Хомидов Н., Зойиров О.	Бозор талабида эркин иқтисодий тараккиёт.....	44
23.	Шамшиева Н., Бакаев Н., Бекмурадова Г.	Маркетинговые технологии совершенствования высшего образования: неформализованное корпоративное инновационное партнерство.....	45
24.	Исакулов Ш.	Формирование системы подготовки профессиональных кадров в области миграции республики Узбекистан.....	47
25.	Karieva G., Zaynutdinova N.	Integration of the scientific-innovation complex in Uzbekistan and in cis countries.....	49
26.	Исмаилов А., Зойиров О.	Тадбиркорлик меҳнатини ривожлантиришда таълим жараёнининг ўрни.....	51
27.	Умаров Ф.	Иқтисодийни диверсификациялаш шароитида олий таълим тизимида сифатни оширишнинг устувор йўналишлари.....	52
28.	Nazarova B., Muhamedova M.	Case-studies as a tool in improving students oral skills in training methodical complex.....	54

- кичик корхоналарда янги яратилган маҳсулотни кўп миқдорда ишлаб чиқариш;

- илмий изланишни олиб боровчи фирмаларни ташкил қилиш;

- илм билан боғлиқ барча бизнес турларини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Инновацион фаолият марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган турда молиялаштирилади. Биринчи усулда пул маблағлари: давлат бюджетидан, илмий-техник ривожланиш давлат дастурига киритилган лойиҳаларни мақсадли молиялаштириш; таълим ишларини бажариш бўйича жамғармалар; муайян лойиҳа учун ажратилган ва қайтарилиши кутилмайдиган грантлар ҳамда субсидиялар; ҳокимиятлар ва бошқарув органилари махсус буюртмаларини молиялаштириш; тижорат банкларнинг кредитлари ҳисобидан тақдим этилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, амалдаги солиқ тизими кичик корхоналар, жумладан, инновацион корхоналар фаолият юритиш шароитларини ҳисобга олмайди. Инновация корхоналари, бошқа хусусий корхоналар каби, фойда солиқларини тўплаш пайтида солиққа тортиладиган фойда миқдорини аниқлашда имтиёзга эгадирлар. Жумладан, уларга ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта ташкил қилиш, техникавий жиҳозлаш учун йўналтирилган фойдани чегириш ҳуқуқи тақдим этилган. Ишлаб чиқариш учун мўлжалланган маҳсулот ҳамда қурилиш материалларини етказиб берадиган баъзи бир корхоналар олган фойдаси ушбу корхона рўйхатга олинган кундан бошлаб, дастлабки икки йил мобайнида солиққа тортилмайди.

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар тажрибасига кўра, инновация корхоналари учун республикада қабул қилинган ҳамда иқтисодиётнинг устувор соҳаларида амал қилаётган барча имтиёزلарни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, илмий изланишларни бажараётган инновация корхоналари тадқиқот ишлари учун илмий-техник асбоб-ускуналар сотиб олган йилнинг ўзидаёқ 50 фоизли амортизация ҳуқуқига, қолган асосий маблағлар ҳисобидан эса жадаллашган амортизация ҳуқуқига эга бўлишлари лозим.

Н. Хомидов, Л. Раҳмонов
ТДИУ

Иқтисодий ва ноиқтисодий таълим йўналиши бўйича тайёрланган мутахассис кадрларни меҳнатда банд этишнинг муҳим жиҳатлари

Жаҳон иқтисодиёти ривожига кишан бўлиб турган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ҳам Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликка эришилганлиги ҳолда, жадал иқтисодий ўсиш (тўққиз ойлик якунларига кўра иқтисодий ўсиш 8 фоизни ташкил қилди) суръатлари яққол кузатилмоқда. Бундай ютуқлар асоси шубҳасиз, мамлакатимиз раҳбари томонидан мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ белгилаб олинган иқтисодий ислохотлар стратегияси ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг замонавий ва миллий моделизининг изчиллик билан амалга оширилаётганлигидир.

Барчамизга маълумки, ҳар бир мамлакатнинг энг катта бойлиги шубҳасиз инсондир. Келажак тараккиёти эса бугунги ёш авлоднинг ақлий тафаккури, билим тажрибаси ва касбий тайёргарлигига боғлиқдир. Ёшларни ҳаётда ўз ўринларини топиши, ўз салоҳиятларини эркин намоён эта олишлари ва уларни иш билан таъминлаш доимо давлатимизнинг диққат эътиборида бўлиб келмоқда. Мамлакатимизни ислох этиш ва янгилаш бўйича юксак мақсадларга эришишимиз, албатта жами аҳолининг 64 фоиздан ортигини ташкил этадиган ёшлар қўлида эканлигини Президентимиз фахр билан таъкидламоқдалар ва юксак ишонч билдирмоқдалар.

Кейинги 10 йил давомида ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим тизимида 100 дан зиёд йўналиш, 265 та мутахассислик ва 700 та касб бўйича профессионал таълим олган ва замонавий фикрлаш салоҳиятига эга бўлган бир миллион нафардан ортиқ янги авлод мутахассислари тайёрланди. Галдаги асосий вазифалардан бири ёш авлодни муносиб иш

Ўринлари билан банд этиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва иқтидорларини намойиш қила олишлари учун шароит яратишдан иборат. Ушбу масала юзасидан давлатимиз раҳбари "... бугун бизни го'ят муҳим, принципиал бир масала безовта қилмаслиги мумкин эмас. Яъни, ёш мутахассислар тайёрланаётган ихтисослик йўналишларининг барчасига ҳам иқтисодиётимизнинг соҳа ва тармоқларида амалий талаб борми? Лицей ва коллежлар, олий ўқув юр்தларини битириб чиқаётган йигит-қизларимиз жамиятда ўзига, ўз касбига муносиб ўрин топа оляптими? деган саволлари хавотирлари ўринлидир.

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида кадрлар тайёрлаш ва битирувчилар бандлигини таъминлаш масаласини ҳал этишда, энг аввало, қуйидагиларга эътиборга қаратиш лозим:

1. Меҳнат бозорининг ҳозирги ва келгусидаги ҳолати унинг кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини бевосита ўрганиш ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги ўқув муассасалари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқарув ташкилотларининг вазифаси доирасига кирмаса-да, аммо ишчи кучларининг меҳнат бозоридаги ҳаракатини билиш, иқтисодиёт соҳаларида битирувчиларнинг бандлиги истикболларини баҳолаш таълим муассасаси томонидан таклиф этилаётган касбий таълим хизматларини мувофиқлаштиришнинг жуда муҳим воситаси ҳисобланади.

2. Истеъмолчи (бу ерда иш берувчилар кўзда тутилмоқда) учун мавҳум, унинг амалий эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлмаган таълим хизматлари эмас, балки ўқитишнинг охириги маҳсули – талаб этилаётган юқори малакали мутахассис тайёрлаш муҳимдир.

3. Бу ҳол олий таълим, академик лицей ва касб-хунар коллежларини кадрлар тайёрлаш жараёнида иш берувчиларнинг нафақат таълим хизматларидан қанчалик манфаатдорлигига таянишга, балки қандай объектив ва субъектив шарт-шароитларда олий, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида тайёрланган малакали кадрлар орқали ўзининг ишлаб-ниқариш қудратини таъминлашга маблағ сарфлашга тайёр эканини ҳам билишга мажбур этади.

4. Иш берувчилар, мутахассис-ҳодимлар, барча даражадаги ҳукумат ташкилотлари ва ижро органлари, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тузилмаларининг манфаатлари мувофиқлигини таъминлаш меҳнат бозори талаб-таклифини мақбул даражада қондиришнинг асосий шартидир. Бу эса кадрлар тайёрлаш сиёсатини жорий этишда юқорида номлари тилга олинган ташкилот ва муассасаларнинг ўзаро таъсирини кучайтиришнинг оқилона йўлларини излаш зарурат эканини кўрсатади.

Зеро, иқтисодиётнинг турли соҳалари ривожланаётган ҳозирги шароитда меҳнат бозорининг малакали кадрларга талаби тобора ортмоқда. Талаб этилаётган мутахассисларни тайёрлашга буюртмалар шакллантириш ва уни амалга ошириш бугунги кунда олий, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими фаолиятида энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу эса бўлажак малакали мутахассисларни ўқитиш ва тарбиялаш мазмунини англаш, битирувчилар бандлигини таъминлаш борасида режали ишларни изчил амалга оширишни тақозо этади.

Ўзбекистон бой меҳнат ресурслари билан таъминланган давлатлар сирасига киради. Аҳолининг 40 фоизга яқини 16 ёшга тўлмаган ўқил-қизларни ташкил этса, 64 фоизга яқини эса 30 ёшгача бўлган ёшларни ташкил этиши бунинг яққол мисолидир. 2009 йилнинг 1 январь ҳолати бўйича Ўзбекистон аҳолиси 27302,7 минг кишини ташкил этган¹⁵. Шундан 64,1 фоизга кишлоқ аҳолисига тўғри келади. Статистик маълумотлар таҳлилига разм соладиган бўлсақ, аҳолининг меҳнат қилиш қобилияти ёшига эга бўлган қисми умумий аҳолининг қарийб 59,4 фоизни, меҳнат қилиш қобилияти ёшидан катта бўлган қисми эса 7,1 фоизни ташкил этади.

Меҳнат ресурслари таҳлил қилинаётган йилда аҳолининг 57,4 фоизини, иқтисодий фаол аҳоли эса умумий аҳолининг 42,5 фоизини ташкил этган. Худди шу кўрсаткич меҳнат ресурсларига нисбатан олинганда 73,9 фоизни ташкил этади. Иқтисодий фаол аҳоли таркибига иқтисодиётда жами бандлар ва расмий ишсизлар сонининг ййгиндиси акс эттириладиган бўлса, 2008 йилда меҳнат бўлимларидан рўйхатдан ўтган ишсизлар сони

¹⁵ www.stat.uz. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг расмий маълумотлари.

623,3 минг кишини ташкил қилган. Умуман меҳнат бўлимларига иш сўраб мурожаат этган ёшларнинг динамикасига эътибор қаратадиган бўлсак, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш жараёнлари изчиллик билан амалга оширилаётганлиги боис, ёшларнинг меҳнат бўлимларига мурожаат қилиш даражаси йилдан-йилга ўсиб борган. 2008 йилда иш қидириб мурожаат қилганларнинг 97,2 фоизи ишга жойлаштирилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2005 йилда 93,2 фоизни ташкил этган.

Ваҳоланки, 2008 йилда иш қидириб мурожаат қилганлар сони 2005 йилга нисбатан қарийб 52 фоизга кўп бўлган. Буларнинг ичида ёшлар яъни 18-30 ёшгача бўлганлар сони 2005 йилда жами иш қидириб мурожаат қилганларнинг қарийб 49,4 фоизни ташкил этгани ҳолда, 2008 йилда 53,5 фоизни, яъни 4,1 пунктга ошганлигини кузатиш мумкин.

Мурожаат қилганларнинг маълумот даражаси бўйича таҳлилимизни амалга оширадиган бўлсак, 2005 йилда олий маълумотга эга бўлган иш қидириб меҳнат бўлимларига мурожаат қилганлар жами мурожаат қилганларнинг 6,3 фоизини, ўрта махсус маълумотга эга бўлганлар 21,5 фоизини, умумий ўрта маълумотга эга бўлганлар жами мурожаат қилганларнинг 72,2 фоизини ташкил қилган. 2008 йилда юқорида зикр этилган кўрсаткичлар мос равишда 5,9 фоиз, 23 фоиз, 65,8 фоизга тенг бўлган. Шуниси қизиқарлики, умумий ўрта маълумотга эга бўлганларни ишга жойлаштириш кўрсаткичи қолган олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлганларга қараганда анча юқоридир.

Умуман олганда бугун иш қидириб мурожаат этаётганларнинг қарийб 53 фоизи ёшларга тўғри келмоқда. Шу боисдан, ёшларни кичик шаҳарлар ва қишлоқларда ишга жойлашишига кўмаклашиш замон талабидир. Бунинг учун энг аввало, ҳудудий шарт-шароитлардан келиб чиқиб иш ўринларини ташкил этиш зарур.

Ёшларни, айниқса, ёш қизларни ишга жойлаштириш, уларга муносиб иш ўринларини ташкил этиш борасида давлатимиз томонидан касаначиликка катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда қизларимиз ёшларнинг 53 фоизини ташкил этади. Ҳудудий меҳнат бўлимларига иш ахтариб мурожаат қилаётган ёшларнинг таркибида ёш қизларнинг улуши ҳам ортиб бормоқда. Касаначилик меҳнатининг қулайлиги ва афзал жиҳатлари шундаки, sanoat корхоналари билан ўзаро кооперациялашув натижасида уларнинг буюртмаси асосида уйда банд бўлинади.

Глобализация жараёнлари тезкор суръатда ривожланаётган бир вақтда, илгор ижтимоий-иқтисодий ғояларнинг кириб келиши кенг қамровга эга бўлиб бормоқда. Ўзбекистоннинг бугунги таълим соҳасидаги эришаётган ютуқлари ва тажрибаси халқаро жамиятчилик учун қайсидир маънода андоза вазифасини ўтамоқда. Шунинг билан бирга, халқаро тажрибаларнинг илгор намуналари Ўзбекистоннинг минтақавий хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзимизга хос ва мос равишда ўзлаштирилиши талаб этилади. Бугун ривожланган мамлакатларда ёшларни банд этиш масалалари қандай ҳал этилмоқда, уларга берилаётган имтиёзлар самарадорлиги қай аҳволда эканлигини ўрганиш ва тадқиқ этиш давр талабидир.

Илгор тажрибаларни Швеция давлати мисолида қараб чиқадиган бўлсак, ушбу мамлакатда меҳнат бозорига фаол таъсир ўтказиш усулидан фойдаланилади. Энг аввало, иш жойларини кўпайтирувчи, ўз филиалларини яратувчи корхоналарга имтиёзли солиққа тортиш ва субсидиялар тақдим этилади. Вилоят меҳнат бошқармаси янгидан ташкил этилаётган фирмаларга дастлабки старт капиталининг 20 фоиз миқдорида дотация бериши бунинг учун ишга қабул қилинадиганларнинг қарийб 40 фоизи аёллар ва ёшлардан иборат бўлишлиги белгилаб қўйилган.

Швецияда иш жойини йўқотган шахслар эрта кундан бошлаб ишсиз ҳисобланади. Мамлакат миқёсида марказлашган тартибда 3 йилда бир бор меҳнат бозорининг қийинчилик ва муаммолари башорат қилинади. Башоратнинг асосий мақсади миллий даражада ресурслардан оптимал фойдаланиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, иқтисодий ва ижтимоий мувофиқлаштириш, турли хил ва сифатли ижтимоий хизматларни ташкил этиш, таълим соҳасидаги сиёсат, солиқ сиёсати, атроф-муҳитни химоялаш, ҳар хил иш излаётган шахсларни жойини тақдим этишда энг аввало, ёшлар, аёллар ва аҳолининг бошқа ижтимоий қатламларини инобатга олишдан иборат.

Юқоридаги масалалар, яъни ёшларни иш билан банд этишга кўмаклашиш масалалари Францияда "Солиқ+субсидия" тизими асосида амалга оширилади. Бу тизимда корхона ёки фирмалар ўз ходимларини, яъни бўлгуси ишга қабул қилинадиган ёшларни ўзлари тайёрлаганликлари, шунингдек четда элда ўқиш учун сарфлаган таълим харажатларини солиқ имтиёзи кўринишида ёки давлат бюджети харажатлари асосида фирмаларга қайтариш орқали қоплаб берилади. 1991 йилда тadbиркорлар ва касаба уюшмалари томонидан ишлаб чиқилган махсус дастурга биноан фирмалар 10 киши ва ундан юқори бўлган ёшларни ишга қабул қилсалар, иш ҳақи фондининг 1,5 фоизи миқдоридан ундан кам сонли ёшларни ёллаган фирмалар эса 0,25 фоизлик касбий таълим учун пул ажратишади. Касбий таълимни ташкил этмаган субъектлар бундай тўловни тўлиқ тўлашга мажбурдирлар. Ўқитганларнинг иш ҳақи таълим харажатларига киритилади. 1,5%лик мазкур солиқ куйидагича тақсимланади: 0,2% индивидуал таълим олаётган шахснинг таътилига; 0,3% ёш шахсларни иш ахтариш ва топишга ёрдам дастурларига; 1% ишчи кенгаши тасдиқланган йиллик таълим режаси харажатларини молиялаштиришга йўналтирилади.

Юқоридаги ҳолатлар давлатнинг бандликка кўмаклашиш дастурларини молиялаштиришни микроқўламда ҳал этиш, корхона ва фирмаларга эркинлик ва солиқларнинг ўз доираси чегарасида сарфланиши ва ёш авлодга меҳнатга кўникма асосида касб ва ҳунар эгаси бўлиб қолишини таъминлайди.

Ёшлар меҳнат бозорини шакллантиришда айниқса талаб ҳажмини оширишга қаратилган ҳамда ёшларнинг эгаллаган мутахассисларига мос келадиган иш ўринларини яратиш учун кишлоқ туманларида саноат корхоналарини жойлаштириш масалалари давлат томонидан изчил амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу устувор вазифани муваффақиятли амалга ошириш учун бизнинг фикримизча куйидагиларга эътибор қаратмоқ, яъни ҳар бир тумanning табиий шарт-шароитлари, минерал-ҳомашё, ер-сув, меҳнат ресурслари салоҳиятини ва экологик омилларни эътиборга олган ҳолда туманда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш ҳолатига баҳо бериш; тумanning ҳудудий хусусиятлари ва ресурс салоҳиятидан келиб чиқиб саноат ишлаб чиқаришининг қайси турларини жойлаштириш мумкинлигига техник-иқтисодий баҳо бериш ва ҳудудда саноат ишлаб чиқаришининг мақсадга мувофиқ турларини жойлаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш; маҳаллий ҳомашёни қайта ишлайдиган ва рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этишга устуворлик бериш; янги қўшма корхоналар ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва технологик янгилашга йўналтирилаётган хорижий инвестицияларни янада кенг қўламда жалб этишга қатъиямчилик бериш; замонавий ишлаб чиқариш ривожланмаган кишлоқ жойларида саноат ишлаб чиқаришини жойлаштириш ва ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва истиқболларини белгилашни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

доц. Ш.И. Мустафақулов, Н. Хамидов,
О.Зойиров
ТДИУ

Иқтисодий таълим самарадорлигини оширишда талаба ёшларнинг мустақил фаолиятларини ташкил этишнинг асосий йўналишлари

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётини зарурати бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Бугунги кунда мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш; янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг қабул қилиниши узлуксиз таълим тизими орқали замонавий кадрлар тайёрлашнинг асоси яратилди.

Маълумки, узлуксиз ва узвийлик таълим тизимида ортикча такрорийликка чек қўйиб, энг аввало, жамиятнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини кенгайтиради, қолаверса, давлатнинг ижтимоий ва илмий-техник тараққиётини такомиллаштириш омили сифатида ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланишини таъминлайди. Педагогик технологияларнинг ривожланиши ва уларнинг ўқув-тарбия жараёнига кириб келиши оқибатида, шунингдек ахборот-технологияларининг тез алмашинуви ва такомиллашуви жараёнида ҳар бир инсон ўз касбий тайёргарлигини, маҳоратини кучайтириш имконияти яратилди¹⁶.

Таълимнинг барча босқичларига оид умумий педагогик ва дидактик талаб талаба (ёки ўқувчи)нинг дастурий билим, тасаввур ва қўникмалари асосида мустақил ишлаш самарадорлигини такомиллаштириш, илмий фикрлашга, ўқув фаёлига қизиқишни кучайтириш, касбий билимлари фаоллигини оширишдан иборат. Иқтисодий таълимда педагогика тажрибаси, замонавий педагогик технологияларининг талаба (ёки ўқувчи)ларни фаол қизиқтиришга, уларнинг мустақил ишлашда фаолликларини оширишда имконияти чексиз эканлиги тасдиқланмоқда.

Таълимнинг бугунги вазифаси ўқувчиларни кун-санин ошиб бораётган ахборот-таълим муҳити шароитида мустақил фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилонга фойдаланишга ўргатишдан иборатдир. Бунинг учун уларга узлуксиз равишда мустақил ишлаш имконияти ва шароитини яратиб бериш зарур.

Таълимнинг самарадорлигини ошириш, шахснинг таълим марказида бўлишини ва ёшларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш учун билимларни мустаҳкам эгаллашдан ташқари замонавий педагогик технологияларни ва интерфаол усулларни билладиган, улардан ўқув ва тарбиявий машғулотларни ташкил этишда фойдаланиш қондаларини билладиган ўқитувчилар керак. Бунинг учун барча фан ўқитувчиларини янги педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар билан қуроллантириш ва олган билимларини ўқув – тарбиявий машғулотларда қўллаш малакаларини узлуксиз ошириб бориш лозим.

Ҳозирги жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози ҳукм сураётган айни дамда, унинг таъсирини пасайтириш мақсадида “Инқирозга қарши чоралар дастури” асосида амалга оширилаётган пухта ўйланган ижтимоий-иқтисодий сиёсат натижасида республикамиз иқтисодиётида сезиларли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек, “... ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш — Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир”¹⁷.

Бунинг учун биз ишлаб чиқаришни ривожлантиришимиз, унинг рақобатбардошлигини оширишимиз ҳамда жаҳон стандартлари даражасига жавоб берадиган ишлаб чиқаришни ташкил этишимиз учун кучли, малакали иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш тизими самарадорлигини оширишимиз лозим, деб ўйлаймиз. Республикамиз олий ўқув юрларидаги иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашда талаба-ёшларни иқтисодий қонун ва қонуниятларни, жаҳондаги иқтисодий вазиятлар, инвестицион жараёнлар, уларни замон талабига жавоб берадиган йўл ва воситаларини таҳлил қила олиш салоҳиятларини кучайтиришимиз, малака ва қўникмаларини шакллантиришимиз бугунги-тезкор воқеликнинг талабидир.

Иқтисодий таълим самарадорлигини ошириш орқали мамлакатимиз келажагига хизмат қилувчи етук мутахассисларнинг сонини ошириш ва ҳар бир мутахассиснинг иқтисодиёт ривожига ҳисса қўшиши натижасида республика иқтисодиётининг тараққий этиши ва бунинг оқибатида жамият фаровонлигининг юксалиши таъминланади.

Иқтисодий таълимни такомиллаштириш учун бизнингча қуйидаги қарашларга эътибор қаратиш лозим.

¹⁶ Ишмухаммедов Р., Абдуқодиров А., Пардасев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог – ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: Истеълод, 2008, 180 б.

¹⁷ Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 2-б.

Авваламбор, иқтисодчиларни етук мутахассис бўлиб етишишлари учун уларнинг илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланишларида ахборот – ресурс таъминоти янада ривожлантириш зарур. Чунки иқтисодий тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқадиган натижаларни аниқ ва равшан баён этиш учун воқеликни, аниқ сабабий боғлиқликда таҳлил этиш, ҳозирги ҳолат кўрсаткичлари билан таққослаган ҳолда, хулосалар ясаш аҳамият касб этади. Шунда тадқиқотнинг амалиётга яқинлиги ошади ҳамда унинг татбиқ этилиши натижасида самарадорликнинг ошиши вужудга келади.

Иқтисодий таълим самарадорлигини ошириш мақсадида таълим муассасаларида ўқув жараёнини янада фаоллаштириш, талабалар қизиқишларини уйғотиш мақсадида турли тренинглар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Тренинглар олиб боришнинг энг қулай томони бу тренинг жараёнида ўқитишнинг турли интерактив усулларида фойдаланган ҳолда талабани илм олиш ва изланишга қизиқишини уйғотиш имконияти юқорилиги ҳисобланади. Талабаларда таълим олиш жараёнига қизиқиш уйғотиш орқали илми, юқори савияли мутахассислар бўлиб етишишга иштиёқини кучайтириш мумкин бўлади. Яхши устоз фақатгина билим беришга эмас, балки илм толибларини илм олишга қизиқишларини ошириш билан ҳам ажралиб туради.

ТДИУ томонидан тўрт йилдан бери ташкил этилиб келинаётган “Биринчи курс мактаби” семинар - тренинг бунинг яққол мисолидир. Биринчи курсга қабул қилинган талабалар учун бу каби тренингларни ташкил этишдан асосий мақсад - иштирокчиларда аудитория ва аудиториядан ташқари машгулотларда умумий ўқув кўникмалар ва мустақил фаолият малакаларини шакллантириш, жумладан:

- университет ахборот-ресурс марказида зарурий ахборотларни қидириб топиш;
- илмий адабиётни ўқиш;
- ёзма шаклда етказиладиган ахборотни излаш;
- оғзаки шаклдаги ахборотни етказиш;
- таҳлилий ахборотларни кўргазмалар тақдим этиш;
- ҳамкорликда ишлаш;
- муаммоли ва амалий вазиятларни таҳлил этиш; ўқув топшириқларини ноанъанавий ечиш йўллари топиш, гоялар устида ишлаш ва хулосалар қабул қилишга ўргатади.

Бу тренинглардан иштирокчилар умумий ўқув кўникмалари ва мустақил фаолият малакаларини эгаллаш натижасида: университет ресурс марказида ахборотларни қидириб топиш малакаларига эга бўладилар; илмий адабиётларни ўқиш ва ахборотни белгилаш малакаларига эга бўладилар. Мустақил фаолият натижаларини: режа, конспект, асосли эссе, рефератларни белгиланган талабга мувофиқ ёзма тақдим этиш йўли ва воситаларини эгаллайдилар. Мустақил фаолият натижаларини оғзаки тақдим этиш: маъруза ва сўзга чиқиш вақтида шу билан бирга ўқув топшириқларини бажариш натижалари бўйича тақдимотда, ўзини ишончли тутиш, турли кўргазма воситаларидан фойдаланишнинг йўл ва воситаларини ўрганадилар.

Таҳлилий ахборотларни кўргазмалар тақдим этиш: ахборотни таркиблантириш ва таркибга бўлиш, таҳлил этиш ва таққослаш бўйича, ўрганилаётган тушунчалар (юзага келиш, ходиса, мавзу ва б.) ўртасидаги алоқа ва ўзаро алокани ўрнатиш, муаммони ечишни режалаштиришда: кластер, тоифалаш ва концептуал жадвал, «Венна» диаграммаси, «Нима учун?», «Балиқ скелети», «Қандай?», «Погона (каскад)», «Пирамида», «Нилуфар гули» каби воситалардан фойдаланиш орқали ўқув топшириқларини бажаришнинг йўл ва воситаларини билиб оладилар.

Ўқитувчи талабалар билан ўзаро ўқув ҳаракатининг ташаббусчиси бўлади, ўзининг нуқтан-назаридан келиб чиққан ҳолда ўзаро келишувга келадилар, суҳбатга киришадилар, саволлар берадилар, асосли жавоблар берадилар, қондага рия қилган ҳолда баҳс олиб борадилар, мунозара-тортишувда, тўғарақда стол атрофида иштирок этадилар. Гуруҳли ўзаро ҳаракатга тайёргарликни ўқув топшириқларини бажариш бўйича гуруҳли фаолиятни жамоавий режалаштириш, биргалиқда, ҳамкорликда, иш бўйича ҳамкорий муомала ва ўзаро ҳаракат, ўзаро ёрдам ва ўзаро баҳолашни намоён қиладилар. Университет тарихи, анъаналари ҳамда талабанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан танишадилар.

Ушбу тренинга олиб бориладиган машғулотлар таълим технологияларининг бешта турдаги маъруза машғулотларидан кириш, тематик, муаммоли, кўргазмали (визуаллашган), мунозарали маъруза машғулотлари, билим, малака ва кўникмаларини шакллантириш, чуқурлаштириш ва мустахкамлаш, эгалланган билимларини муаммоли вазифаларнинг ечимини топишда қўллаш малакаларини шакллантириш мақсадида мустақил фаолиятларини ташкил этишдан иборат.

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, «Бугунги куннинг энг мухим вазифаси – ҳаётимизнинг барча соҳаларида янгича фикрлайдиган, мураккаб дамларда масъулиятни ўз зиммасига ола билладиган, ҳаёт билан ҳамқадам юришга қодир, имони пок, билимдон, ишбилармон одамларни тарбиялаш, уларга ишонч билдиришдан иборатдир»¹⁸.

Юқорида қайд этилган вазифаларни амалга оширишда мустақил таълимнинг алоҳида ўрни мавжуддир. Мустақил таълим, узлуксиз таълимнинг давлат миқёсидаги мухим вазифаси сифатида қаралаётган бир пайтда, жамиятимиз босқичма-босқич ривожланишининг ҳал қилувчи томонларидан биридир. Бу кечиктириб бўлмас даражада республикамиздаги таълим муассасалари вазифасининг айрим қисмларини қайта кўриб чиқиш, шу асосда мустақил таълимни ривожлантиришни тақозо этади.

Таълим олувчилар мустақил таълим жараёнида олган билимлари ҳисобига бундан кейин доимо ўз савиялари, малака ва кўникмаларини мукамаллаштириб борадилар. Бундай ҳолатда мустақил таълим шахснинг ишида, ўқишида, шахсий ҳаётида ва турли соҳалардаги ҳаётий лавҳаларида ўз имкониятларини тўла амалга оширишларига ҳамда жамиятга кўпроқ фойда келтиришларига хизмат қилади.

Умуман, таълим жараёнида мустақил фаолиятнинг элементларидан фойдаланиш ўқув жараёнини бойитишга, талабалар чуқур билим олишни таъминлашга, фикрлаш қобилиятини ўстириш ва кенгайтиришга ҳамда таълимнинг асосий мазмунли қисмини мустахкамлашга хизмат қилади.

У.В. Фафуров
ТДИУ

Олий таълим тизимини модернизациялаш шароитида иқтисодий назарияси фанини ўқитиш услубиятини такомиллаштириш масалалари

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида олиб борилган тўғри ва изчил иқтисодий сиёсат орқали салмоқли ижобий натижалар қўлга киритилди. Жумладан, миллий хўжалигимиз иқтисодий жиҳатдан мустахкамланиб, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан мерос бўлиб қолган бир ёқламалик ва инкироз ҳолатидан чиқарилди; иқтисодийнинг барқарор ўсиши таъминланди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустахкамланди, иқтисодий ва унинг айрим соҳаларидаги мутаносиблик кучайди; бозор механизмнинг таркибий қисмлари қарор топди ва унинг инфратузилмалари вужудга келтирилиб ривожлантирилди.

Маънавий жаҳада ҳам туб ўзгаришлар килиниб, жамият аъзоларида миллий истиқлол гоҳси ва мафқураси шаклланди. Бугунги кунда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодий эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнлари амалга оширилмоқда.

Республикамизда мустақиллик йилларида олиб борилган иқтисодий сиёсат ҳамда амалга оширилган ислохотларнинг тўғрилиги, ҳар томонлама чуқур ўйланганлиги ҳамда умумжамиyat манфаатларини уйғунлаштирилганлиги ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида яна бир бор мураккаб синовдан муваффақиятли ўтиб, ўз тасдиғини топди. Айниқса, глобал инкирозга қадар жаҳоннинг турли молиявий ва иқтисодий

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йуклари ва 2018 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.

Бозор талабида эркин иқтисодий тараққиёт

Ҳар қандай иқтисодий тизимда бўлганидек, бозор иқтисодиётида ҳам мулк муаммоси ҳал қилувчи аҳамият касб этади ва ҳаракатдаги мавжуд мулк шакллариининг бозор талабига, унинг хусусиятларига мос келиши талаб этилади. Юқорида қайд қилганимиздек, эркин иқтисодий тараққиёт, хўжалик хилларининг турлилиги, иқтисодий ташаббускорлик, рақобат ҳолати бозорнинг моҳиятини белгиловчи асослардир. Булар, аввало, мавжуд мулк шаклларига боғлиқ бўлиб, уларнинг ифодасини ташкил этган ҳолда асосан мулк моҳиятидан келиб чиқади.

Иқтисодий тизимлар мулк шакллариининг акси бўлганидек, бозор муносабатлари ҳам ўзларига хос ва мос мулк шакллариини талаб этади.

Тарихда турли мулкчилик ва якка мулкчилик даврлари мавжуд бўлган. Жамият турли хил мулкчилик асосларида ривожланиб келган. XX асрга келиб якка мулкчилик тизими ҳам барпо бўлди. Бозор муносабатлари, бозор иқтисодиётининг мулк шаклларига боғлиқлиги ижтимоий мулкчилик шароитида, айниқса жуда аён бўлди.

Хўжаликларнинг турлилиги, даражаларининг ҳар хиллиги курашга даъват этади, яъни рақобатга олиб келади. Ижтимоий мулк эса, аксинча, тенглик, бир хиллик хусусиятини яратади. Бундан ташқари, у хўжалик юритишда марказлашувга олиб келиб, мустақил ҳаракат қилиш, ташаббус кўрсатиш имконларини йўқ қиладики, бундай шароит бозор тараққиётини инкор этади.

Энг муҳим нарса шуки, ижтимоий мулк бир хиллик бўлса, хусусийлик турлиликдан иборатдир.

Мулк моддий ва бошқа бойликлардан фойдаланиш шароитлари, муносабатлари, эгаллик қилиш, ўзлаштириш мазмунини ўз ичига олади. Мулкка эгаллик эса кўпроқ бойликка эга бўлиш ва у билан бошқа барча шароитларни қўлга киритишдир. Шунга кўра у иқтисодиёт асосидир. Иқтисодий фаолиятда мулкнинг ҳал қилувчи аҳамият касб этиши унга эгаллик даражасини қучайтириш ва бойликларга нисбатан эркин муносабатда бўлишга эришишда ифодаланади. Маълумки, ишлаб чиқариш шароити, тақсимот ва истеъмол ҳолати, миқдори ва даражаси албатта мулк муносабатларига боғлиқ ва у билан белгиланади. Ундан фойдаланиш, унга эгаллик қилишда умумийлик ва хусусийлик мавжуддир, бошқача қилиб айтганда, унинг қатнашчилари тенглик, тенгсизлик ва итоаткорлик ҳолатида бўлиши мумкин. Бунда албатта мулккий муносабатлар бир хилда бўлмай, балки турли хилда ва турли таъсирда бўлади.

Мулкка эгалликдаги умумийлик амалда тенгликни юзага келтирмайди. Чунки, унинг ҳаракати кимдир томонидан бошқарилиши керак, у вакил, белгиланган шахс ёки ташкилот бўлиши мумкин. Бундай шароитда барчанинг манфаатлари бир хилда эътиборга олинishi мумкин эмас, чунки кимки мулкка яқин у уни бошқариш ҳуқуқларига эга бўлса, у манфаатдорликдаги бир хилликка тўла риоя эта олмайди ва у ўзи, ўзига яқинларнинг манфаатига кўпроқ эътибор берадики, бу бошқаларнинг манфаати ҳисобига амалга ошади. Шу билан бирга умумийликда ҳақиқий мулк эгаллиги таъминланмайди, асосан эгасизлик устулик қилади. Шунинг учун ҳам йирик иқтисодчиларнинг ижтимоий мулкда эгасизлик хусусияти мавжуд, деб таъкидлашида ҳақиқат бор. Шунинг учун ҳам мулкдаги умумийликнинг самарадорлик даражаси, айрим воқеликдан ташқари, юқори бўла олмайди. Бу эса ижтимоий мулкнинг истиқболини белгилайдики, бунга асосланган тизим узок умр кўриши, юқори тараққиётни таъминлаши мумкин эмас. Бундан ташқари мулкдаги умумийлик бозор шароитларини инкор этади.

Мулкдаги хусусийликнинг ижобий томонлари кўп, у ижтимоийликка нисбатан бир қанча устуликларга эга. У, аввало, умумийликнинг тескарисини бўлган турлилик, хилма-хиллик, тенгсизлик шароитлари билан борлиқдир. Бунда эгаллик даражаси юқори бўлиб, жавобгарлик ҳиссиёти кучли бўлади. Энг муҳими шахсий манфаатдорлик тўла ёки тўлароқ ифодаланади.

Мулқдан фойдаланишнинг шахсга бевосита боғлиқлик даражаси юқори бўлади.

Мулқ хусусийлиги юритишдаги турлилик, хилма-хиллик ва эркинлик шароитларини яратиш туфайли бозор муносабатларига мос келадиган рақобатга асос солади. Бозор муносабати билан мулк муаммоси, унинг ҳаракатдаги шаклларига эътибор берар эканмиз, унинг бозор иқтисодиёти ривожда ўрни, аҳамияти, бозор учун унинг маъқул ва зарур қуринишлари, бозор иқтисоди ривожига мақсадида мулк муносабатларининг тараққиётига эътибор бериш зарур.

Мулқчиликнинг тури ва шакллари мавжуд. Мулк тури ижтимоий- иқтисодий тузумларга нисбатан белгиланиш, асосан буларга хос мулк муносабатларни ифодалайди. Бунда мавжуд мулк шакллари аввало эксплуатация ёки ноэксплуатация тузумларининг асоси бўлиб ҳисобланади. Маълумки, тарихан яшаб ўтилган тузумлар эксплуатация билан боғлиқ бўлиб, уларни қулдорлик, феодал ва капитализм тузумлари деб фарқлар эдик. Эксплуатациянинг мазмуни ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур бойликлар маълум синф, гуруҳлар қўлида бўлиб қолганларнинг улар учунгина меҳнат қилиши билан белгиланади. Меҳнат қилган маҳсулот тақсимотида иштирок этмай, кам даромад олган ва мулк эгалари эса меҳнатсиз ҳам кўп даромад олган. Ўз меҳнати билан даромад олувчи мулкдорлар ҳам бўлгану, лекин улар асосий гуруҳлар қаторига кирмаган.

Жамият тараққиётида, аввал, иқтисодий ривожланиш натижасида аралаш иқтисодиёт юзага келиб, кўпчиликнинг мулк эгаси бўла олиши шароити пайдо бўлади. Юқори даражада ишлаб чиқариш, иқтисодий ўсиш кўпчиликнинг мулкка ҳиссадор бўлиши, моддий ресурслар ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ўзлаштиришда қатнашуви мумкин бўлади. Умуман, иқтисодий тараққиётда барчанинг манфаатдорлиги юзага келадиги, бу янгича мулк муносабатлар мазмунига хос мулк турини яратади.

Мулқчилик яқка ҳукмронликдан турлилик томон ривожланадиги, бу шакллари тараққиётини кўрсатади. Мулк тўғрисида юқорида айтиб ўтилган фикрлар унинг шаклларида ўз ифодасини топади ва ўз таъсирини мавжуд ҳаракатдаги мулк шакллари туфайли намойиш этади.

К.э.н. Н.Н. Шамшиева,
асп. Н.Р. Бакаев, соис. Г.А. Бекмуродова,
ТГЭУ

Маркетинговые технологии совершенствования высшего образования: неформализованное корпоративное инновационное партнерство

В настоящее время в Республике Узбекистан разработана масштабная государственная программа развития высшего профессионального образования. Являясь логическим продолжением реализации Национальной программы по подготовке кадров в Республике Узбекистан, упомянутая программа главный упор делает на развитие и совершенствование материально-ресурсной базы высших образовательных учреждений. В частности, большое внимание уделяется изданию учебников и учебно-информационных ресурсов, развитию и совершенствованию информационно-коммуникационных сетей и технологий образования и научных исследований, капитальному ремонту и реконструкции зданий и сооружений вузов и т.д.

Вместе с тем, наряду с накопленным отечественным опытом, представляется целесообразным изучить и адаптировать, с учетом местной специфики, передовую европейскую практику организации профессионального образования. Прежде всего, речь идет о системе маркетинговых взаимосвязей образовательных учреждений и рынка труда, т.е. о создании неформализованных корпоративных инновационных структур на принципах социального или коммерческого партнерства.

Очевидно, что хозяйствующие предприятия предъявляют образовательным учреждениям требования, исходя из собственных нужд. В частности, требуется, чтобы знания и навыки